



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
NORIN TUMANI HOKIMINING
QARORI**

2022 - yil 27 - yanvar

17-6-83-Q/22

Norin tuman hokimligi

Наманган вилояти ҳокимининг 2021 йил 24 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро вилоятида Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 16 ноябрдаги 685-сон қарори ижроси ҳақида”ги 375-6-0-Q/21-сонли қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро вилоятида Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 16 ноябрдаги 685-сон қарори ҳамда Наманган вилояти ҳокимининг 2021 йил 24 ноябрдаги 375-6-0-Q/21-сон қарорлари ижросини туманда таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Наманган вилояти ҳокимининг 2021 йил 24 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро вилоятида Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 16 ноябрдаги 685-сон қарори ижроси ҳақида”ги 375-6-0-Q/21-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 ноябрдаги 685-сон қарори билан:

Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбек миллий мақом санъати марказининг 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир мартаба май ойида Бухоро шаҳрида Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалини

ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқулланганлиги;

Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Қуйидагиларни назарда тутувчи Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман Маданият бўлими (Х.Асретдинов) Бухоро вилоятида Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалида Норин тумани вакилларининг фаол иштирокини таъминлаш вазифаси топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Сидиқов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Ж.Нурматов